

Болалар ёзи мазмунли ўтади

Андижон вилоятида жорий мавсумда фаолият кўрсатилган 19 та шаҳар четидоғи ва 41 та кундузги оромгоҳда 19 минг 100 нафар болажонни дам олдирish режалаштирилган. Мавсум арафасида барча оромгоҳларда таъмирлаш ишлари якунланиб, болаларни соғломлаштиришга пухта ҳозирлик кўрилди.

Пухта ҳозирлик

«Боғишамол», «Энергетик», «Шифокор», «Сўлим», «Кўёшча» каби оромгоҳларда касабани уюшмалари ва ҳўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликда қурилиш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилади, — дейди вилоят касабани уюшмалари мувофиқлаштирувчи гуруҳ котиби, бирлашма бўлим мудири Қ.Ризаев. — Натижада ушбу дам олиш масканларида болалар учун санитария-гигиена талаблари асосида барча шароит яратилди. Янги анжомлар, зарур воситалар билан таъминланди.

Шунингдек, туман ҳокимликлари томонидан бириктирилган хомий ташкилотлар ҳамда мутасадди идоралар томонидан «Бешарик», «Уч кўза», «Уч соҳил», «Дилором», «Оромгоҳ», «Навбахор», Фафур Фулом номли, «Богбон», «Истиклол», «Оқбулоқ», «Мингбулоқ» ва «Машъал» болалар оромгоҳларида ҳам жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Вилоят ички ишлар ҳамда фавқулодда вазиятлар бошқармалари томонидан мавсум давомида оромгоҳларда хизмат кўрсатувчи ходимлар белгиланди. Уларга оромгоҳлар жойлашган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, болалар хавфсизлигини таъминлаш, турли табиий ва техноген ҳолатлар содир бўлганда ҳаракатланиш тартибини кенг тарғиб этиш, бу борада жойлардаги профилактик инспекторлар, маҳалла посбонлари ҳамда фаолларни кенг жалб этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан эса болалар шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимлари бириктирилди. Шунингдек, барча оромгоҳлардаги тиббий пунктлар зарур воситалар билан жиҳозланиб, биринчи тиббий ёрдам дори-дармонлари билан таъминланди. Тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларининг туну кун навбатчилиги жорий этилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, унинг шаҳар, туманлар бўлимлари ва оромгоҳлар мавсумидаги педагог-тарбиячи, етакчи, тўғрақ раҳбарлари рўйхатлари шакллантирилиб, улар учун 3 кунлик ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири



Мактабдаги «Камалак»

Самарқанд шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ёзги таътилни мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида саккизта кундузги соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди.

31-умумтаълим мактаби қошида иш бошлаган «Камалак» кундузги оромгоҳи дастлабки ўқувчиларни қабул қилди. Оромгоҳ раҳбари Гулнора Ашурованинг айтишича, бу ерда 1-синфдан 7-синфгача бўлган юз нафар ўқувчи таътилни кўнглидагидек ўтказмоқда. Муסיқа ва санъат, шахмат-шашка ҳамда компютер саводхонлиги

йўналишларида очилган ўн та тўғрақка ўғил-қизлар фаол жалб қилинган. Бундан ташқари, қизиқarli спорт мусобақалари ва кўнгличар тадбирлар мунтазам ташкил этилаётди.

— Ёзги таътил мароқли ўтмоқда, — дейди мазкур мактабнинг 2-синф ўқувчиси Шаҳноза Рашидова. — Ўртоқларим билан спорт мусобақаларида, тўғрақларда қатнашяпмиз. Айниқса, менга «Ғўнча» рақс тўғрағи иши жуда ёқди.

Суратда: «Ёш рассомлар» тўғрағи аъзоси Нозима Рабимқулова.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Ёз завқини болажонлар ҳаммадан кўпроқ ҳис этишади. Иссиқ кунлар бошланиши билан табиат қўйнига ошиқувчилар ҳам улар. Мана, бир неча кунлири, оромгоҳлар болажонлар билан гавжум. Бу йилги дам олдирish мавсумига Самарқанд вилоятидаги болалар оромгоҳлари мутасаддилари алоҳида ҳозирлик кўришди. Шаҳардан ташқаридаги 24 та дам олиш масканига 8 июн куни вилоятнинг турли ҳудудларида яшовчи болалар ҳорлиқ чиқариш учун йўл олишди.

Ҳорлиқ завқу

Каттакўрғон туманидаги Абдулла Мўминов номли оромгоҳ жамоаси ҳам мавсумни кўтаринки кайфият билан бошлади. Жорий йилда меҳнаткашларнинг уч юздан ошшқ фарзанди дам олиши режалаштирилган бу ғўшада саранжом-саришталик ҳуқирон. Оромгоҳ бош тарбиячиси Жалолиддин Раҳматов ва тарбиячилар гуруҳи болажонларни очик ҳеҳра билан кўтиб олишди.

— Эрта кўлмдан тасарруфимиздаги 6 гектарлик ёрдамчи ҳўжаликда турли экинларни парваришлашга эътибор қаратдик, — дейди оромгоҳ раҳбари Анвар Раazzoқов. — Картошка, қарам, бодринг, помидор ўзимиздан чиқади. Богимиздаги олма, ўрик, гилос, олча-лар болажонлар дастурхонига кўрк бағишлайди.

Таътил эндигина бошланган бўлса-да, болалар ўзларини эркин турташяптир. Бош етакчи Исмигул Зарипова бўлиб ўтадиган тадбирлар режаси билан таништиради. Аммо болажонларнинг ниманидир интиқ кўтаётгани юз-кўзаларида акс этиб туради. Бу тадбирсиз дам олишнинг завқини ҳис этмайсан. Ниҳоят ҳаммага қўвонч улашадиган тадбир муддати белгиланди. Афсонавий эртақ қаҳрамонлари, қизқарли тадбирлар, шеър ашула, қўвнок рақсларга бой тантана дўшанба кечига белгиланди. Ушбу кун соат 19:00 га бонг урганида гулханга ўт қаланди. Ловиллаб порлаган олов қалбларга ўзгача тафт берди.

— Ҳамқўшилом Бақохон Ақобиров билан биринчи марта дам олишга келганмиз, — дейди Аббос Тошматов. — Бизни дам олишга йўллаган «Яшил водий» фермер ҳўжалигидан беҳад миннатдоримиз. Оромгоҳга келган кўнмизданок кўплаб дўстлар орттирдик. Улар билан бирга турли қизиқarli беллашувларда иштирок этаяпмиз.

Маънавият хонаси ва кутубхонада ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказишади.

Зумрад Муродова бошлиқ ошпазлар байрамона дастурхонга файз бағишлаш ниятида тиним билишмақди.

Гулхан атрофида томошалар авжига чиқади. Ялла-ю лапарлар садоси олис-олисларга таралади...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Мароқли дам

Келажакимиз эгаларининг ёзги таътил даврида мароқли дам олишини ташкил этиш мақсадида Шаҳрихон туманидаги «Бешариқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳамда 2 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳ ташкил этилди. Жорий йилда «Бешариқ» оромгоҳида кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандларидан 575 нафари бепул дам олдирлади.

Туман ҳокимлиги, касабани уюшма ташкилотлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда тегишли ташкилотларнинг ёрдами билан оромгоҳни мавсумга тайёрлаш ишлари қисқа муддатда ниҳоясига етказилди. Болажонларнинг кўнглини дам олиши учун барча шароит яратилди. Умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган тажрибади ўқитувчилар, ёш мутахассис ва етакчилар оромгоҳга ишга қабул қилинди.

«Маънавият ва маърифат» хонаси кўплаб кўргазмалар воситалар, телевизор ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида спортнинг

оммавийлигини ошириш учун футбол, волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси тўғрақлари ташкил этилди. Бундан ташқари, машҳур спортчилар билан учрашувлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Оромгоҳ етакчилари ва мураббийлари ўқувчиларимизда миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат ҳиссини янада мустаҳкамлаш мақсадида касабани уюшма ташкилотлари, «Камолот» ЕИХ туман кенгаши, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими билан ҳамкорликда «Аждодлар мероси», «Биз — мустақиллик ворислари», «Тарихсиз кел-

ажак йўқ», «Ўзбекистон мустақиллик йилларида», «Мен Андижон фарзанди эканлигимдан фахрланаман» мавзуларида танкили инсонлар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилади. Турли тайлов ва тадбирларда фаол иштирок этган ўғил-қизларга касабани уюшма ташкилотлари томонидан эсдалик совғалари, кам таъминланган ўқувчиларга ўқув қуроллари топширилади.

Мавсум давомида оромгоҳлар қошидаги кутубхоналар фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар бадий адабиётлар, Президентимиз асарлари ва вақтли матбуот нашрлари билан тўла таъминланди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

Сирдарё вилоятида болажонларнинг ёзги дам олиш мавсумида кўнглини ҳорлиқ чиқаришига катта эътибор қаратилмоқда. 6 та шаҳар ташқарисида, 13 та коллеж ва мактаблар қошида оромгоҳлар ташкил этилди. Уларда 3460 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилади. Бу эса ўтган йилга нисбатан 1000 нафар кўп демакдир.

Сирдарё бўйида

Барча оромгоҳларда келажакимиз эгаларининг ёзги таътилни мазмунли ўтказиши учун етарли шарт-шароит яратилган. Жумладан, Сирдарё бўйидаги «Меҳнат» дам олиш маскани ҳудудида жойлашган 4 та «Турон», «Бургутча», «Оқолтин», «Сирдарё» оромгоҳ тўлиқ капитал таъбирдан чиқарилди. Таъмир ишлари учун Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясидан 600 млн. сўм маблағ ажратилди. Оромгоҳлар янги меҳел жиҳозлари, спорт анжомлари ва дори-дармон воситалари билан таъминланди. Оромгоҳлар қошидаги кутубхоналар эса бадий адабиётлар билан бойитилди. Корхона-ташкilotлар тасарруфидаги болалар дам олиш масканларини тиклаш, таъмирлаш ва уларни зарур жиҳозлар билан

таъминлаш борасида кўплаб ишлар бажарилди. Жумладан, вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси ўз тасарруфидаги Зомин тумани «Дуоба» қишлоғида жойлашган «Гулистон» оромгоҳининг жорий таъмири учун 20 млн. сўм, жорий йилги Давлат дастури доирасида кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига мурувват ёрдами сифатида 5 млн. сўм ажратди.

Вилоят Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши ҳамкорлигида барча оромгоҳларда спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Халқимиз бахти — тинчлик, фаровонликда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган низо ва келишмовчиликлар, ички ва ташқи кўчлар томонидан уюштирилаётган иғво-ю фитналар беҳитиёр ҳар биримизни оғоҳ бўлишга чорлайди. Атрофимизда юртимиздаги тинчликни қўрқолмайдиган, осойишта ҳаётимизга раҳна солишини истайдиган қора кўчлар бор экан, бундай ғоявий таҳдидларга қарши туришимиз ва улардан ҳимояланишимиз озод, ҳур ҳаётимизни асрашдаги долзарб масалалардан бўлиб қолаверади.

Шундай экан, мамлакатимизда тинчликни таъминлашга ҳар биримиз ҳисса қўшимиз лозим. Аввало, уйимиз, кўчамиз, маҳалламизга ким кириб, ким чиқибганини катъий назоратга олишимиз зарур. Оиламиз, кўни-қўшинлар, қариндош-уруғлар, таниш-нотанишлар ўртасидаги келишмовчилик, низоларга бефарқ бўлмаслик ҳам осойиштагимизга хавф солувчи омилларни бартараф этишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ахир ота-боболаримиз бежизга «Кўшининг тинч — сен тинч», дейишмаган.

Фарзандларимизни ҳам тинчликни қадрлашга ўргатишимиз зарур. Бу борада қонли саҳналарга бой фильмлар, жангари компютер ўйинлари ўрнига ҳақиқат ва адолат учун курашган миллий қаҳрамонларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи бадий фильмлар, китоблар ва ўйинларни тарғиб қилсак, уларда Ватанга, ҳаётга муҳаббат ҳиссининг шаклланишига ҳисса қўшган бўламиз.

Яқинда Афғонистонга хизмат сафари билан бориб келган танишим таассуротини айтиб қолди. Ушбу ерлик бир киши унга мамлакатимиздаги мураккаб аҳвол ҳақида кўйини гапирибди:

Малоҳат ХУСАНОВА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фаолиятимиздаги энг оғир нуқта — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб кассалликлари тўғрисида меҳнат қўбиятини йўқотган ходимлар, боқувчисини йўқотган шахсларга етказилган зарарнинг тўланиши юзасидан мониторинг йўлга қўйилди. Агрисаноат мажмуидаги корхоналарда юз берган 4 та бахтсиз ҳодиса жабрдийдалари-

нинг сўм миқдориди мuddати ўтган иш ҳақи ундириб берилди.

Тармоқ ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг «Ўзбекистон Агрисаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмасининг кўмел битирувчилари бандлигини таъминлашга қўмақлашиш бўйича «Устоз-шогирд» тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги (2012 йил 19 март) қарорига асосан 1714 нафар имтиёзли диплом билан битирган ва кам таъминланган оила фарзандларига касабани уюшма ташкilotлари маблағлари ҳисобидан 16,7 млн. сўм миқдориди моддий ёрдам курсатилди. Шунингдек, жамоа шартномалари орқали иқтисодий қўмакка муҳтож 6867 нафар кам таъминланган ёш оилаларга 153 млн. сўм миқдориди моддий ёрдам берилди. Энди-гина оила қўрган 75 нафар келин-куёвнинг юртимизда ишлаб чиқарилган 100,4 млн. сўмлик рўзгор жиҳозлари билан таъминланишида қўмақлашилди. Олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган 258 нафар талаба учун

лантириш мақсадида «Менинг бизнес ғоям» тайлови ташкил қилиниб, 1064 нафар йигит-қизга тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун тасвирнома-лар берилди.

Айни пайтда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламадаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурла-

Эзгу ишларга кенг йўл

га корхона ҳисобидан 7907 миң сўм тўлашига эришилди. Тармоқ корхоналарида иш ҳақида мuddати ўтган қарздорликни тўлатишга ҳам сезиларли ҳаракатлар мавжуд. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашилари иш битирувчиларга шу йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, 94 та расмий талабнома киритди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 48 марта, ҳуқуқий нозирларга (инспектор) 4 марта, прокуратурага 5 марта мурожаат қилиниб, мазкур муаммо касабани уюшма қўмиталари ва раёсат йиғилишларида 169 марта кўриб чиқилди. Пировард натижада 1 млрд. 132 млн. 300

ташкilotларда меҳнат қилаётган 580 нафар болали аёлнинг (ойлик маоши сақланган ҳолда) иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилиб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Тармоқ ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши, «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо саноат палатаси, «Микрокредитбанк» ОАТБ ва «Ипотечна банк» АТИБ, «Агробанк» ОАТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ ҳамкорлигида касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шак-

нинг аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса, ёшларга атроф-лича тушунтириш барида, жумладан, касабани уюшма ташкilotларига ҳам жиддий масъулият юклайди.

Шундан келиб чиқиб, ҳар бир корхона, ташкilot ва муассасаларда «Маънавият соатлари» тизимли равишда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ЎзқўФКнинг Намунавий дастури тасдиқланган. Ушбу Дастур асосида тармоқ бўйича 4500 дан зиёд маънавият соатлари ўтказилди.

Кўвондик МУҚИМОВ, АСМ ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши ташкilot ишлар бўлими мудири

14 ИЮН — ХАЛҚАРО ДОНОРЛАР КУНИ



Хаёт риштаси

Кеча Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан Қон препаратларини ишлаб чиқариш корхонасида 14 июн — Халқаро донорлар куни муносабати билан тадбир ташкил қилинди.

Инсон танасининг 1/4 қисмини қон ташкил этади, яъни 70 килограмм вазни инсонда 5 литр қон бўлади. Қон доимий алмашиб, ҳар 120 кунда мутлақ янги қон борди. Маълумотларга қараганда дунё аҳолисининг 40 фоизи камқонликдан азият чекоқда. Мана шундай инсонларга озгина бўлса-да ёрдам кўрса-

қайсидир бир инсон ҳаётини сақлаб қолган бўлади. Мамлакатимизда қон олиш, қон тайёрлаш ва уни беморларга қўйишнинг замонавий тизими яратилган. Осиё тараққиёт банки маблаг ҳисобидан қон хизмати марказига замонавий 1 млрд. 800 млн. сўмлик янги тиббий ва лаборатория жиҳозлари келтириб ўрнатилди. Натижада, қондаги ҳар қандай касалликни аниқлаш имконияти кенгайтирилди. **Нилуфар ЖУМАМУРДОВА, Козим УЛИМАСОВ олган суратлар**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

«Дори-Дармон» акциядорлик компанияси даволаш-профилактика марказлари ва фуқароларга кенг асортиментдаги дори воситаларини етказиб бераётган улгуржи-чакана корхонадир. Тизимда айни пайтда 3380 нафардан зиёд хохим фаолият олиб бормоқда. Чекка ҳудудлардаги қишлоқ аҳолисини сифатли дори воситалари билан таъминлаш мақсадида 2010 йилдан бошлаб махсус жиҳозланган «ISUZU» русумли изометрик автофургонларда 14 та кўчма дорихона иш бошлади. Утган йили 1 млрд. 703,4 млн. сўмлик, жорий йилнинг биринчи чоратида эса 342,3 млн. сўмлик дори воситалари ва тиббий буюмлари савдоси амалга оширилди.

«Дори-дармон»

фармацевтика бозорида етакчи

Ушбу жамоа республикамиздаги барча фармацевтика корхоналари ҳамда 100 дан зиёд етакчи хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, у сақлаш, манзилларга турли транспорт воситаларида етказиб бериш, тарқатиш жараёни кўп сарф-харажат талаб қиладиган гиёҳвандлик ва психотроп дори воситаларининг мамлакатимиздаги ягона таъминотчиси ҳисобланади. Компания Республика кооперация биржасида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Биржа доирасида тузилган шартномалар асосида ўтган йилда 20,9 млрд. сўмлик фармацевтика маҳсулотлари харид қилинган. Соҳа мутасаддилари томонидан дори воситаларини сақлашда талаб даражасидаги шароитларни яратиш бўйича катта ишлар олиб борилаётган. Айни пайтда Тошкент шаҳрида умумий майдони 6,5 минг кв. м.дан иборат бўлган халқаро GDP талабига мувофиқ замонавий фармацевтика омбо-

ри ҳамда Гулистон шаҳрида умумий майдони 4 минг кв. м. майдонга эгаланган Логистика маркази қурилиши кўчма етказилмоқда. Аҳолига дори-дармон воситаларини етказиб беришда унинг сифатига катта эътибор қаратиб келинаётгани ўз самарасини бермоқда, албатта. 2010 йили компанияга жaxon ISO 9001-2009 сифат талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи сертификат берилди. Шунингдек, «Айбог Рейтинг» агентлиги 2011 йил якулини бўйича «Дори-Дармон» акциядорлик компаниясининг кредит рейтингини «uzA+» Миллий шкаласига мувофиқлигини тасдиқлади. Бу эса компаниянинг қарздорлик мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича юқори лаёқатга эга эканлигини билдиради. Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. **Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири**

Фаолият

«Узагрошсервис» уюшмаси тасарруфидаги 264 та корхонанинг асосий мулкчилик шакли акционерлик жамиятлари ҳисобланади.

Германиянинг «Клаас» фирмасидан олинган галла ўриш комбайнлари ва ҳайдов техникалари учун уюшма тизимдаги таъмирлаш корхоналарида 20 турда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш юзасидан ҳамкорликда изчил фаолият юритилган. Жорий йилнинг ўтган даврида қасаначилар 226,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, зарур хизматлар кўрсатганини алоҳида таъкидлаш лозим. Уюшма корхоналарида 52 та янги иш ўрни яратилди. «Узавтосаноат» компаниясининг дилерлик компаниялари, бириктирилган банкларнинг туман бўлимлари ҳамда «Узагрошсервис» уюшмаси тизимдаги туман масъулия тизимдаги жамиятларида кичик ҳажмдаги парранда ва қорамол боқиш бўлимлари, дорихона, сартарошхона, нов-воёхона, ветеринария, авто-мобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохбачалари ташкил этилди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Узагрошсервис» уюшмаси «Тизимда МТПларнинг ҳолати, муаммолар ва ечимлар» мавзусида ўтказган матбуот анжуманида ана шулар ҳусусида сўз юритилди. **Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири**

Эркин кураш

Иштаҳа зўр

Украинада эркин кураш бўйича ўтказилган «Қора денгиз» деб номланган халқаро турнирда Артур Таймазов 120 кг. вазн тоифасидаги олтин медалга сазовор бўлди. 66 кг.да гиламга чиққан Ихтиёр Наврўзов ҳам украинлик Васил Сурженко, Иван Петров, Андрей Квятковский, Семён Радловни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Жамоамиз ҳисобига учинчи олтин медални Сослан Тигиев келтирди. 74 кг.да гиламга чиққан тахрибли спортчимиз мезбон курашчилар — Игор Василишин, Бессарион Биков, Дмитрий Комисар, Олег Белоцерковский устидан зафар кўчди. Яна бир олимпиячимиз — икки карра жaxon чемпиони Дилшод Мансуров 60 кг. вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритди. Полвонларимиз уч олтин ва битта кумуш медал билан, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринга кўтарилдиши.



решчилар — Игор Василишин, Бессарион Биков, Дмитрий Комисар, Олег Белоцерковский устидан зафар кўчди. Яна бир олимпиячимиз — икки карра жaxon чемпиони Дилшод Мансуров 60 кг. вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритди. Полвонларимиз уч олтин ва битта кумуш медал билан, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринга кўтарилдиши.



Ҳаваскорлар беллашганда

Тошкент вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда вилоят Жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида Мустаҳкам онла йили муносабати билан Олмалик шаҳрида корхона, муассаса, ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимлар ва ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Веломарафон» ўтказилди.

Веломарафонда барча тармоқ касабаси уюшмалари ходимларидан 80 га яқин иштироки қатнашди. Даставвал, 20 нафар профессионал велоспортчи кўргазмали чиқишларни намойиш этишди. Сўнгра 5-6 ёшли болалар уч оёқли велосипедларда, 70-80 ёшдаги фахрий спортчилар мусобақани бошлаб бердилар. Мусобақаларда 25-34 ёшдаги аёллар ўртасида (6 км.) 1-урини Виолета Наврўзова (Олмалик ТМК ОАЖ)га, 2-урини Надежда Худайберганаева (Олмалик ТМК ОАЖ)га, 3-урини Дилобар Рустомова (Қурилиш ходимлари)га насиб этди. 35 ёшдан катта аёллар ўртасида (4 км.) беллашуларда голиблик Шохиста Мансуровага (Агросаноат мажмуи ходимлари) тегишли бўлди. Наталья Шибаева (Аммафос-Максам ОАЖ) ва Зиёда Эрга-

шева (Транспорт ва йўл қурилиши ходимлари) кейинги ўринларни банд этишди. 25-34 ёшдаги эркеклар ўртасида (8 км.) Суннат Абдиев (Олмалик ТМК ОАЖ), Даврон Абдукаримов, Тимур Асанов (Максам-Чирчиқ ОАЖ) совринли ўринларга эга чиқишди. 35 ёшдан катта эркеклар орасида (6 км.) эса Б. Дўстматов (Аммафос-Максам ОАЖ), Икром Юсупов (Максам-Чирчиқ ОАЖ) ва Комил Ҳайдаров (Олмалик ТМК ОАЖ) фахрий ўринларни эгалладилар. Фахрий спортчилар баҳсида 1-урини Виктор Клименков ўзиники қилган бўлса, профессионал спортчилар ўртасида (10 км.) Расул Туланов, Эрнест Османов ҳамда Алишер Қўзибаев тенг келадигани топилмади.

Шижоат ва баркамоллик

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақасида белбоғли кураш бўйича ҳакам сифатида иштирок этдим. Навоийдаги спорт иншоотларини кўриб, очиги, қалбим қувонч ва фахрга тўлди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақасида мамлакатимиз ёшлари учун ҳақиқий эътибор намунаси, шижоат ва баркамоллик, тинчлик ва жипслик йўлидаги муҳим тадбирлар эканини яна бир бор ҳис қилдим.

«Умид ниҳоллари — 2012» мусобақасида Қашқадарё вилоят жамоаси 32 нафар спортчи билан иштирок этиб, 13 та медал қўлга киритилди. Спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, энгил атлетика, миллий кураш, белбоғли кураш спорт турлари бўйича вакилларимиз муносиб иштирок этишди. Жумладан, воҳода унчалик тараққиёт эмтаган белбоғли кураш спорт тури бўйича 65 кг. вазн тоифасида Соҳиб Махматқулов бронза медалини қўлга киритгани эътиборга лойиқдир. Бу Қашқадарёда ҳам белбоғли курашнинг ривожлантириш йўлида муҳим қадамлар қўйилганидан далолат беради. Чироқчилик яна бир спортчи Жавоҳир Отабеов шахмат беллашуларидан кучли бешликдан жой олди. Мамлакат ўсмирлар терма жамоалари мураббийларининг ўзлари учун янги истеъдодларни кашф этгани муқаррар. Бу эса халқаро майдонлардаги муваффақиятларимизнинг давомли эканидан дарак беради.

Фарҳод ЖУМАНОВ, Чироқчи туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Кураш

Урганч шаҳрида кураш бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида 500 нафарга яқин полвон голиблик учун гиламга чиқди.

Полвонлар давралади

Бухоролик Ширинбек Шарипов, Жавлон Рўзиев, самарқандлик Сухроб Худойбердиев, Байрамали Баҳриев, хоразмлик Болтабой Болтаев, Мадамин Рўзиев, сурхондарёлик Шароф Холмаматов, қашқадарёлик Илхом Жўраев шохсупанинг биринчи поғонасини банд этди. Хотин-қизлар ўртасида эса хоразмлик Зарифа Султонова, Гулёр Отахонова, Робия Қурбонова, Гулмира Раззоқова, шунингдек, пойтахтлик Муқаддас Кубеева, қорақалпоғистонлик Қундуз Бойманова, Санайим Еркинбоева ҳамда навоийлик Мадина Ашурова ҳам чемпион бўлишди.

Ана шундай веломарафон Андижон вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам ўтказилди.

Андижон туманидаги «Камолот» кўчасида тармоқдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш ҳамда велоспортни янада ривожлантириш мақсадида ҳаваскорлар ўртасида ўтказилган веломарафон кўнчилида байрамона кайфият уйғотди. Мусобақада 7 та тармоқ касабаси уюшмалари вилоят кенгашилари, 2 та бирлашган кўмита ҳамда ташкилотлардан 100 дан ортиқ ҳаваскор велоспортчи иштирок этди. Яқунга кўра, 24 ёшдан 34 ёшгача бўлган аёллар ўртасида 1-урини Таълим, фан ва маданият ходимлари КУВК жамоасидан Гузал Бекмирзаева, 2-урини Алоқа ходимлари КУВК жамоасидан Зайнабхон Сафарова, 3-урини Соғлиқни сақлаш ходимлари КУВК жамоасидан Зарифа Очилова эгаллаган бўлса, 24 ёшдан 34 ёшгача бўлган эркеклар ўртасида 1-урини Алоқа ходимлари КУВК жамоасидан Патиддин Турсунов, 2-урини Алоқа ходимлари КУВК жамоасидан Тошпўлат Йўлдошев, 3-урини «Ўзметашсаноат» КУВК жамоасидан Ином Жумабоев эгаллади. Совринли ўрин соҳиблари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт ўйинлари янги иқтидор эгаларини кашф этди. Мазкур мусобақада жаззалахк ёш спортчилар етти та медални қўлга киритишди.

Эътибор

Энгил атлетика бўйича қизлар ўртасида тўсиклар оша 100 метрга югуриш баҳсида 17,05 секунд натижа билан Лидия Петрова олтин медалга сазовор бўлган бўлса, ўсмирлар ўртасида уч хатлаб сакраш бўйича Учқун Аҳмедов, сузиш баҳсида эса (50 метрлик) Ирода Исломова, спорт гимнастикасида Жаҳонгир Рўзиевуродов, Дилноза Араббоева, Илҳомхон Сафаровлар бронза медални соҳиб бўлишди. Шунингдек, Улуғбек Алматов мураббийлигидаги футбол жамоаси ўзиники эгаллади. Навоий шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда вилоят шарафини ҳимоя қилган 63 нафар ёш спортчининг 21 нафари касабаси уюшмалари тизимидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вакиллари эканлиги, айниқса, қувончли ҳолдир. Яқинда Жаззалахк вилоят КУТБҚда совриндор спортчи-ёшлар ва мураббийларни яна бир карра қўлга олиш, уларни касабаси уюшма ташкилотининг эъдибли соғвалари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси Ташки Иқтисодий Фаолият Миллий Банки» Янгийўл шаҳар филиалининг 2012 йил 31 майдаги 4-сон баённомасига мувофиқ ҳамда 2012 йил 8 июндаги №БК 01/614-сонли хатига асосан Буюртмачи Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Чирчиқ тумани, А.Навоий кўчаси 253-уй манзилида сақланаётган «ДАМАС» русумли, 1997 йил ишлаб чиқарилган, д/р 10 133 RAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 3 117 379 сўм.**
II. Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси Ташки Иқтисодий Фаолият Миллий Банки» Чирчиқ шаҳар филиалининг 2012 йил 31 майдаги 8-сон баённомасига мувофиқ ҳамда 2012 йил 8 июндаги №30-02/0820-сонли хатига асосан Буюртмачи Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Чирчиқ тумани, А.Навоий кўчаси 253-уй манзилида сақланаётган «ДАМАС» русумли, 1998 йил ишлаб чиқарилган, д/р 10 291 RAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 4 214 000 сўм.**
Аукцион савдоси 2012 йил 16 июл кунни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 13 июл кунни соат 18:00.
Юқоридаги мулк 2012 йил 16 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 31 июл кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 31 июлдаги савдо учун 2012 йил 27 июл кунни соат 18:00.
Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»-нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2021000050571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850 ОКОНХ:83300 Манзил: Тошкент ш.х., Миробод т., Амир Темура шох кўчаси, 16-«а»-уй. Телефон: 233-20-96. www.rmm.uz.

«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Суд департаменти Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 22.05.2012 йилдаги № 020-192/12-сонли хатига асосан, Навоий шаҳар М.Улуғбек кўчаси 21-уйда сақланаётган, қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.
1. «Нексия» русумли, д/р 85 155 EAA бўлган, 2000 йилда и/ч, техник носоз. **Бошланғич баҳоси — 8 548 583 сўм.**
2. «Нексия» русумли, д/р 85 870 САА бўлган, 2001 йилда и/ч, техник носоз. **Бошланғич баҳоси — 9 313 181 сўм.**
Аукцион савдоси 2012 йил 17 июл кунни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.
Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 13 июл кунни соат 18:00. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).
Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 17 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 24 июл кунни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: такрорий савдо учун 2012 йил 20 июл кунни соат 18:00.
Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Navoiy mulk markazi» MCHJ ҳисоб рақамига, автотранспорт воситаларининг бошланғич баҳосидан 10 фоизи миқдорда закалат суммаси тўлаганини тўғрисидаги тўлови ҳужжати нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этади.
«Савдо ташкилотчиси» «Navoiy mulk markazi» MCHJ ҳисоб рақами: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР:302132768 АТ «Ипотека банк» Навоий филиали.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй.
Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: (8-436) 22-4-64-31. Гувоҳнома № 1605 Расмий сайтими: www.rmm.uz

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2010 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «SIFAT» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг 06.04.2012 йилдаги 55-П-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар Маннон Уйғур кўчаси, Қизил-Шақ берк кўчаси 109-уйда сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.
1. «Дамас» русумли, давлат рақами 10АН791 бўлган, 2003 йил и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 892 972 сўм.**
2. «Тойота Хайс» русумли, давлат рақами 10АТ573 бўлган, 1998 йил и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 4 250 797 сўм.**
Аукцион савдоси 2012 йил 16 июл кунни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 13 июл кунни соат 18:00.
Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 16 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 23 ва 30 июл кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 23 июлдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 20 июл кунни соат 18:00, 30 июлдаги савдолар учун 27 июл кунни соат 18:00.
Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»-уй, 228-79-52.
1997 йил Аббосова Дилором Камилджановна номига Чилонзор туманидаги 200-умумтаълим мактабининг 11-синфини тамомлаганлиги муносабати билан берилган О'Р-А № 211156 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Ахмадҷон ЭЛМУРОДОВ олган сурат

2012 йил – МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

«Она ва бола»

Кўрик-танловнинг республика босқичи Бухорода ўтказилди

Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши аёллар ва ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, миллий қадриятлар, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, касба уюшма аъзоларини бой тарихий меросимиз билан таништириш, уларнинг адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишларини кучайтириш мақсадида кўлаб тадбирларни амалга оширмоқда.

Шундай тадбирлардан бири — «Фарзанд камоли — Ватан жамоли» шиори остида ташкил этилган «Она ва бола» кўрик-танловининг республика босқичи Бухорода ўтказилди. Вилоят марказидаги мухташам «Бухоро-Палас» меҳмонхонасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биринчи ва иккинчи босқич голиблари ўз маҳорат-

ларини яна бир қарра намойиш этишди. Оналар ва болалар ўзларининг қисқача таржимаи ҳолларини таништирилганларидан сўнг Ватанимиз тарихи, миллий анъана ва қадриятлар ҳақидаги билимларини синондан ўтказишди. Кўрик-танловнинг учинчи тури янада ҳаяжонли кечди. Бунда ҳар бир она-бола эркин мавзуда

шёр, кўшиқ, рақс, эзгулик ва адолатга ундовчи, разиллик ва адоватни фош этувчи саҳна асарларидан, ҳаётий воқеалардан парчалар ижро этдилар.

Яқунда биринчи ўринга Бухоро вилояти вакили Саломат Раҳмонова (қизи Ферангиз билан) лойиқ деб топилди. Она-ю қизнинг донолиги ва зуққолиги, айниқса, охириги турдаги «Товус хироми» рақси барчани мамнун этди. Қашқадарёлик Раиса Файзиевага (қизи Одинабону билан) иккинчи, Тошкент вилояти вакили Матлуба Турғуновага (қизи Гафхархон билан) учинчи ўрин nasib этди.

Ҳалиларга Фаҳрий ёрлик ҳамда қимматбахо совғалар топширилди. Тадбир доирасида иштирокчилар Бухоронинг тарихий ёдгорликларини томоша қилиб, улуғ алломалар зиёратгоҳларида бўлишди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Касба уюшмалари ва туризм

Касба уюшма аъзоларининг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатини, туризмни ташкил этиш мақсадида таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси туман Кенгаши йиллик иш режасига мувофиқ яқинда 9-умумтаълим ва 31-интернат мактаблари ўқитувчилардан 25 нафарининг Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳатини уюштирди.

Тошкентга саёҳат

Сайёҳлар пойтахтимизнинг Муस्ताқиллик майдони, Мотамсаро она монументи, Амир Темура, Ўзбекистон тарихи музейлари, Шаҳидлар хиббони, Ф.Ғуллом дам олиш ва истироҳат боғларида бўлиб, мириқиб хордиқ чиқариш билан бирга катта таассуротда қайтишди.

Муस्ताҳқам оила йилида ёш оилаларнинг ҳам ана шундай туристик саёҳатини ташкил этиш режалаштирилган.

Собир ПИРМАТОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Пахтакор тумани кенгаши раиси

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ

САВОЛ: Шифоҳонамизнинг тасдиқланган штат жадвалига ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирда унда кўрсатилган баъзи бир лавозимлар асосий лавозимлар ва ишчилар касблари Классификаторида мавжуд эмас. Штат жадвалида классификаторга киритилмаган лавозимни назарга тутиш мумкинми?

О. УМУРЗОҚОВА,
Фарғона шаҳри

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги 181-сон қарорининг 2-бандида белгиланишича, Классификатор хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларидан фойдаланиш қисмида, жумладан, меҳнат дафтарчаларида ёзувларни қайд этиш, лавозимларни ходимларнинг тоифаларига киритиш юзасидан республиканинг барча ташкилотларида қўлланилиши мажбурийдир.

Ушбу қарорнинг 3-бандига мувофиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига вазирликлар ва идораларнинг тақлифларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда меҳнат бозорини таҳлил қилиш натижалари бўйича Классификаторни қайта кўриб чиқиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилган. Бунда мазкур қарор билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари тасдиқланган Классификатор асосида 2011 йил охиригача касб тайёргарлиги йўналишларида қўйилмаган талабларни кўрсатган ҳолда, хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномалари, шунингдек, тегишли лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўрсатмаси берилган.

Қарорнинг 3-бандини бажариш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби» тасдиқланган. Унга биноан Классификаторга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификацияси жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Тақлифларни кўриб чиқиш ҳамда Классификаторга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг мақсади мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан эксперт ишчи гуруҳи тузилади. Корхоналар лавозимлар бўйича тақлифларини унга юбориши лозим. Тартибнинг 6-бандига мувофиқ эксперт ишчи гуруҳи хулосаси асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг Классификаторга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи чиқарилади. У қабул қилинганга қадар қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган Тартибда штат жадвалини Классификаторга мувофиқлаштириш шарт.

Улғубек АБДУРАҲМОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг бош ҳуқуқшуноси

САВОЛ: Уй-жой ширкати қандай мажбуриятларга эга?

А. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати»нинг намунавий уставига кўра ширкат қуйидагиларга мажбур:

- ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкнинг белгиланган қондалар, меъёрлар ва стандартларга, шунингдек, ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, ҳар бир уй-жой мулкдорларининг йиғилиши қарорларига мувофиқ равишда бутлиги ва сакланишини таъминлаш;
- мазкур Уставнинг, ширкат аъзолари умумий йиғилиши ва Бошқарув йиғилиши, шунингдек, ҳар бир уй-жой мулкдорлари йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;
- ҳар йили ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкни сақлаш бўйича ишлар режасини белгилаш ва ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузиш;
- ширкат иш режасининг бир қисми сифатида ҳар қайси қўп квартиралар уй-жой мулкдорлари умумий мулкни сақлаш бўйича ҳар йили иш режасини белгилаш ҳамда ижроси бўйича ҳар бир уй-жой учун ҳисобот тузиш, турар жой эгаларининг йиғилишида тасдиқлаш;
- ҳар йили ширкат даромадлари ва харажатлари сметасини ва ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун унинг ижроси бўйича ҳисоботни тузиш;
- ҳар йили ширкат даромадлари ва харажатлари сметасининг бир қисми бўлган умумий мулкни сақлаш бўйича даромадлари ва харажатлари сметаси ва ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун унинг ижроси бўйича ҳисоботни тузиш;
- мажбурий бадаллар ва тўловларнинг ўз вақтида келиб тушини таъминлаш;
- умумий мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича қондалар, шартлар ва тартибни белгилашда, барча мулкдорларнинг умумий харажатлардаги иштирокини улушнинг ҳисоблаб чиқишда ширкатнинг барча аъзолари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш;
- уй-жойларнинг барча мулкдорлари, ижарачилари, ёлловчилар томонидан умумий мулк, ер участкаси ва ширкат мулкдорларнинг умумий харажатлардаги иштирокини улушнинг ҳисоблаб чиқишда ширкатнинг барча аъзолари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш;
- учинчи шахслар билан муносабатда умумий мулкни сақлаш, эгалик қилиш ва фойдаланиш, коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ширкат аъзоларининг манфаатларини йиғишда ва ҳимоя қилиш;
- шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;
- мулкдорларга умумий мулкнинг ҳолати, амалга оширилган ва амалга оширилмаган харажатлар тўғрисида ахборот бериш, ширкат аъзолари олдида мазкур Уставада кўзда тутилган тартибда ҳисобот бериш.

Ширкат қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб бериши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ТОПИЛМА

ШАМ КЎТАРГАН МАЪБУДА

Қадимла Харакана номи билан юритилган Ғаллаорол тумани ҳудудларида кишини ҳайратга солиб қўядиган осори-атиқалар тез-тез топилгани ҳақида бот-бот эшитиб қоламиз. 2010 йилнинг октябр ойида Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғулломов номидаги Археология институти Жиззах экспедицияси туманининг Тепа-Муқуш қишлоғида ғаройиб ҳолатга дуч келдилар. Авайлаб қазиб олинган топилмалар сопол синиқлари ва одам суякларини эди. Улар археология институтининг реставрация ва консервация бўлимида таъмирлангач, ўн дана остодон мажмуаси эканлиги маълум бўлди ва тарих илми учун ғоят муҳим топилма эканлиги аниқланди.

— Бу остодонлар ажодларимиз томонидан тайёрланган бўлиб, безак ва нақшлар билан зеб берилгани учун ҳам ғоят аҳамиятга эришди. Бу — оддий ўзФА Археология институти ходими Жасур Ғофуров. — Бу ушбу ҳудудларда ҳам илк ўрта асрларда шаҳарсозлик тараққиётининг кўрсаткичи. Шунинг учун ҳам топилма оламшумул кашфиёт деб тан олинди.

Жиззах воҳаси қадим ва ўрта асрларда маданият гуллаб-яшнаган ҳудуд бўлганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Зеро, ажодларимиз милоддан аввал III-II асрларда бу ерларда осмон жисм-

ларини кузатадиган табиий тепалиқлар яратиб, йил, ой, ҳафта ва кунларнинг ҳолатини ўрганган. Олимларимиз уларни тадқиқ қилиб, сақларнинг тақвими ўрганадиган расадхона деган хулосага келишди. Бу ҳақда рисолалар ёзилгани учун такрорлаб ўтирмаймиз. Лекин замин қаърида ётган ва фавқулодда чиқиб қоладиган топилмалар ҳақида айтгимиз келади. — Ғаллаоролнинг Лалмикор қишлоғида яшовчи жиянини ерни чаптаётган мана шу осори-атиқани топиб олибди, — дейди меҳнат фахрийси, журналист Абдуҳамид Сариев.

Ҳақиқатан топилма жуда

ажойиб эди. Уни Абдуҳамид ака уйига келтириб, чанг, лойлардан тозалади. Бронзадан ясалган аёл ҳайкали 30-35 см. узунликда бўлиб, бир қўлида шам, бир қўлида кўза бор эди. Шам ёруғлик тисоли, кўза эса сув тисоли бўлиб гавдаланди ҳаёлимизда. Ажодларимиз нурга, зиёга интилган. Сув эса тўрт усунининг бири... Ҳаяжонлиб кетдик. Ахир бу зардуштийликку! Ишончимиз қомилки, шам ва кўза кўтарган будда ҳайкали яқинда ўлкашунослик музейини безайди, қадим-шуносларимиз унинг ёшмини илмий томонлама асослайдилар...

Демак, бу ерларда шаҳар-

лар бўлган. Улар маданиятнинг чўққисини эгаллаб, ажодлари — Зардуштийларнинг урф-одатларини қўллашган. Ҳаво, сув, олов, тупроқни муқаддас билиб, мурдаларни ёввойи ҳайвонлар, қушларга едириб, тоза суякларини остодонларга солиб дафн этишган. Тобут новлардан иборат бўлиб, қопқоқлари ҳам бўлган. Уларга турли нақшлар солинган.

Топилмаларнинг айни кунлардаги тақдири билан қизиқдик. Ҳозир улар Археология институтининг Самарқанд бўлимида ўрганилмоқда. Ҳайратланарли жойи шундаки, суяклар шунча узок мудат ўтса-да, чириб кетмаган. Яхши сақланган.

Бу топилмалар атрофида ўрганилгач, Жиззах вилоят ўлкашунослик музейига қўйилади. Улар ўз муҳлисига бой маданий меросимиздан ҳикоя қилади.

Пардабой ТОҶИБОВЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси

КАТРА

Қум бағрида

Уйилиб ётган қум барханлари шамолда тўзғиб, атрофини чанг-тўзон қоплайди. Бир пасдан кейин яна осудалик ҳужм сура бошлайди. Бу — оддий сахро ҳаёти. Шу сокинлик ичида минглаб ҳайқирикларни эшитишга қум зарраларидан бошқаси қодир эмас. Шамол бу овозларни беркитиш учун чанг-тўзон кўтарди. Унинг фикрича, оживларгина шовқин қилади. Қуллилар эса осудалик билан ўз кудратини намойиш этишади.

Сариқ қум зарралари орасида нимадир яптирайди. Бу — ҳақиқий гавҳар шодаси.

Ҳар сафар шамол қумларни тўзғитаркан, унга қараб завқ олади. Узини жасорат кўрсатишга қодир қаҳрамондай ҳис қилади. Қаҳрамонлик қилиш. Ишқиде гавҳарга сўз қотади: — Кел, сени эпкинларим бағрига оламан, узок-узокларга олиб кетаман. У ер-

ларда катта шаҳарлар, бу шаҳарларда эса сен каби шодаларни севадиган одамлар бор.

— Нималар деясан? — кибрланиди гавҳар. — Нега энди аллақандай шамол бағрига ўзимни отарканман. Сендай маконсиз мандай сохибжамолга сўз қотишга қандай журъат қилдинг? — Ахир, сенга яхши бўлсин деяпман. — Менга нима яхшилигини ўзим биланам.

Шамол йўналишини ўзгартиради. Гавҳарнинг устига бир сиқим қум сочиб кетади.

— Вой, вой, нима, қандайдир қум гўзаллигимга раҳна солалармиди, — баттар ҳаволанади гавҳар.

— Шамолнинг тақлифига кўнишинг керак эди, — дейишди қум зарралари. — Бу ерларда сенинг гўзаллигингни ким ҳам ҳис қиларди. Масалан, биз учун оддий тошсан.

— Дунёда мандай гўзал, жозибдор гавҳар шодаси йўқ. Мана, қурасизлар, мени топиб олишди. Ҳали топиб олишсин, заргар қўлида энг бетакрор тақинчоққа айланаман. Шохлар, султонлар менга ётишиш илинжида жон олиб-жон беришади. Гўзал аёллар мени орзулаб туну кун ўхнг-ўхнг йиғлайдилар, кўз ёшлари жилғаларга айланади.

— Ол-а, — кулишди қумлар. — Топиб олишармиш. Бу ерларга одам оёғи яқин юз йилларда отмайди. Унгача балки сен нам бўлмасан.

— Яхшиси, сен менинг шохларимга илин, — эгилди саксовул. — Турғай келиб бўзлаганида кўзи сенга тушиб, осмонларга олиб учар.

— Мен нархи арзон эмасман, аллақандай саксовулнинг шохига илиниб.

Шу тобда брўн турди. Қум барханлари уйилиб кела бошладилар. Улар шундай шиддат билан келдиларки, гавҳарнинг нозиклигини илғамадилар, нафислигини ҳис қилмадилар, шунчаки кўмиб ташладилар.

Афсус, энди уни ҳеч ким топиб ололмайд...

Муҳаббат ТўРАБОЕВА

О'KUF FTUU

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Saxtiyor MAHMADALIYEV,
Bog'indiq NIYOTULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon +99897 465 05 68;
Buxoro +99893 653 50 81;
Jizzax +99872 360 00 10;
Navoiy +99894 226 28 84;
Namangan +99897 491 79 28;
Samarqand +99866 708 70 12;
Xorazm +99897 458 05 07;
Farg'ona +99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75;
Qashqadaryo +99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Toshev

Navbatchi:

S. Abdurahmonov

Musahhih:

N. Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikr tahririyat nuqtai nazaridan farg'arishi mumkin.

(H) - Tjorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabloq.

Bosilishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

Buyurtma Γ - 611

21554 nusxada bosildi

2 3 4 5